

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 285-ҳадис

* فعن أبي هريرة رضي الله عنه عن رسول الله صلى الله عليه وسلم: "من قرأ (يس) في يوم وليلة

ابتعاء وجه الله غفر له".

285/16. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бир кеча ва кундузда Аллоҳнинг розилигини талаб қилиб Ёсин сурасини ўқиса, унинг гуноҳлари кечирилади», дедилар.

Ибн Сунний ривояти.

Бошқа бир ривоятда: **«Ким кечаси Духон сурасини ўқиса, гуноҳлари кечирилган ҳолда тонг оттиради»,** дейилган.

Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан қилинган ривоятда эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Ким ҳар кеча Вокеъа сурасини ўқиса, унга камбағаллик етмайди», деб айтганларини эшитганман, деганлар.

Жобир розияллоҳу анхудан қилинган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Алиф, лам, мийм. Танзийлул китаб...» ва Таборак сураларини ўқимасдан ухламаганлари айтилган.

Манба: hadis.islom.uz



